

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев,

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори*

Мирзобек Улуғбекович Болтабаев

*Самарқанд вилояти Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси
бош мутахасиси*

Бекзот Орифович Мамаюнов

*Шараф Рашидов номидаги Самарқанд Давлат университети
Юридик факултетининг IY-курс талабаси*

Аннотация: Мақолада коррупцияга қарши курашишнинг иқтисодий ва институционал механизмлари ёритилган бўлиб, бунда коррупциянинг вужудга келишига таъсир қилувчи омиллар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва институционал омиллардан иборат эконлиги қараб чиқилган. Унинг салбий оқибатларига ҳам эътибор қаратилган.и Коррупцияга қарши курашиш давлат ва жамият учун жуда муҳим ва аҳамиятли масала ҳисобланишини инобатга олиб, уни камайтириш ёки бартараф этиш учун тегишли тавсиялар айтиган.

Калит сўзлар. Коррупция, иқтисодий, ижтимоий, институционал омиллар, қонунчилик базасини, давлат бошқаруви, шаффофликни таъминлаш, давлат харидларини, соҳани рақамлаштириш, жамоатчилик назорати.

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ МЕХАНИЗМЫ БОРЬБЫ С КОРРУПЦИЕЙ

Аннотация. В статье рассматриваются экономические и институциональные механизмы борьбы с коррупцией. Отмечается, что факторы, способствующие возникновению коррупции, включают не только экономические, но и социальные и институциональные аспекты. Особое внимание уделено негативным последствиям коррупции. Учитывая, что борьба с коррупцией является важной и значимой задачей для государства и общества, в статье предложены соответствующие рекомендации, направленные на её сокращение или устранение.

Ключевые слова: коррупция, экономические факторы, социальные факторы, институциональные факторы, законодательная база, государственное управление, обеспечение прозрачности, государственные закупки, цифровизация отрасли, общественный контроль.

ECONOMIC AND INSTITUTIONAL MECHANISMS FOR COMBATING CORRUPTION

Abstract. This article examines the economic and institutional mechanisms for combating corruption. It is noted that the factors contributing to the emergence of corruption include not only economic but also social and institutional factors. Special attention is given to the negative consequences of corruption. Considering that combating corruption is an important and significant issue for both the state and society, the article provides relevant recommendations aimed at reducing or eliminating corruption.

Keywords: corruption, economic factors, social factors, institutional factors, legal framework, public administration, ensuring transparency, public procurement, digitalization of the sector, public oversight.

Кириш мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда коррупция жаҳон мамлакатлари олдида турган энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки у давлат бошқаруви самарадорлигини пасайтириш билан бирга давлатнинг иқтисодий ўсишини секинлаштиради, инвестиция муҳитини ёмонлаштириш эвазига жамиятда ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига олиб келади. Шу сабабли коррупцияга қарши курашиш ҳар бир давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда ҳам коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилинган. Бу Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган¹. Ушбу қонун коррупциянинг олдини олиш, уни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб беради. 2020 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ташкилот мамлакатда коррупцияга қарши сиёсатни амалга оширишда асосий роль ўйнамоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда “Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун” асосида давлат харидларида шаффофлик ва рақобатни таъминлаш орқали коррупцияни камайитиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун 2018 йил 9 апрель куни ЎРҚ–472-сонли Қонун қабул қилинган. Ушбу қонун давлат харидлари тизимини тартибга солиш ва бир қанча вазифаларни

¹ “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилинган. Бу Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 3 январда имзоланган ЎРҚ-419-сонли Қонуни.

таъминлашга қаратилган. Ушбу қонун билан давлат маблағларидан самарали фойдаланиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, рақобат муҳитини яратиш, коррупция ҳолатларининг олдини олиш каби тадбирларнинг амалга оширилиши таъминланади. Қонун асосан давлат буюртмачилари томонидан товар, иш ва хизматлар харид қилиш тартиби, тендер, танлов ва электрон аукционлар, давлат харидларида иштирокчилар ҳуқуқлари, назорат ва жавобгарлик масалаларини белгилайди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги **қонунда коррупция** тушунчасига қуйидагича шарҳ берилган: “Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”, дейилган. Демак, коррупция тушунчаси ва унинг моҳиятига соддароқ ёндашилса, коррупцияни мансаб ёки хизмат ваколатларидан шахсий манфаатлар йўлида фойдаланиш билан боғлиқ ноқонуний хатти-ҳаракатлар мажмуасидир, деб таърифлаш мумкин. Ушбу ҳолат пора олиш, пора бериш, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа турли кўринишларда намоён бўлади.

Иқтисодиёт нуқтаи назардан коррупция барча ресурсларнинг самарасиз тақсимланишига сабаб бўлади. Бу ҳолат давлат маблағларининг мақсадсиз тақсимланиши ва сарфланишига, иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги рақобатнинг бузилишига ва бизнес муҳитининг ёмонлашишига олиб келади. Натижада иқтисодий ўсиш тенденцияси ҳам бузилади.

Коррупциянинг бу ҳолати нафақат иқтисодий, балки бир қанча ижтимоий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Бу бевосита жамиятда адолатсизлик ҳиссини кучайтиради, аҳолининг давлат органларига бўлган ишончини пасайтиради. Натижада халқнинг давлатдан норозилигини ҳам янада кучайтиради.

Ушбу ҳолатлардан кўриниб турибдики, коррупция том маънода айтганда жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига ва тараққиётига тўсиқ бўладиган иллат экан. Шу туфайли ушбу иллатнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиб, уни бартараф қилиш лозимдир. Бунинг учун коррупциянинг келиб чиқиши ва шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатишини аниқлаб олиш лозимдир.

Бугунги шароитда коррупциянинг вужудга келишига таъсир қилувчи омиллар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва институционал омилларни ҳам қамраб олади.

Иқтисодий омилларга қуйидаги ҳолатларни киритиш мумкин. Энг аввало, мансабдор шахслар учун молиявий рағбатлантиришнинг етарли эмаслиги сабаб бўлмоқда. Натижада имконияти бўлиб турган пайтда шу

молиявий жиҳатдан мавжуд камчиликларни тўлдириб олиш иштиёқи уйғонади. Боз устига, тан олиб айтиш лозим, ҳамма жойда иқтисодий ресурслар устидан назорат етарли эмас. Кўп ҳолларда ушбу назоратнинг заифлиги ҳам муҳим сабаблардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида эркин рақобат шаклланган бўлиши лозим. Аммо айрим соҳаларда бу ҳам анча чекланганлиги коррупцияга тўсиқ бўлиш имкониятини ҳам чеклаб қўймоқда.

Ижтимоий омиллар ҳам коррупциянинг ривожланишига маълум даражада таъсир қилар экан. Буларга биринчи галда аҳолининг ўртасида ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги киради. Бунинг натижасида жамоатчилик назоратининг етарли даражада эмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бу борадаги муҳим йўналишлардан бири жамиятда “ҳалоллик вакцинаси” таъсирининг етарли эмаслиги, иймон-эътиқод билан боғлиқ қадриятларининг замонавий руҳда шаклланмаганлиги кабиларни ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин. Коррупциянинг ривожланишига таъсир қилувчи навбатдаги омилга институционал омилларни ҳам келтириш мумкин.

Институционал омиллар таркибидаги муҳим йўналишлардан бири давлат бошқарувида шаффофликнинг паст даражада бўлганлигини келтириш мумкин. Боз устига бюрократик тўсиқлар ва ортиқча маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳам мавжудлиги сабаб бўлмоқда. Яна бир нозик масала ушбу йўналишдаги қонунларнинг тўлиқ ишламаслиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Ҳар қандай ижобий ва салбий ҳолатларнинг оқибати бўлади. Коррупциянинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари нинималарга олиб келиши мумкин. Албатта коррупция иқтисодиёт ва жамиятга катта салбий таъсир кўрсатади. Буларни қуйидаги йўналишларда кўриш мумкин.

Биринчидан, коррупция мамлакатимизда инвестиция муҳитини ёмонлаштиради. Инвесторлар, айниқса хорижий инвесторлар адолатсиз рақобат мавжуд бўлган бозорларга сармоя киритишдан бош тортади, аниқроғи қочишади. Соғлом рақобат бўлмаган жойда тараққиёт ҳам ўзига яраша бўлади. Чунки иқтисодий тараққиётни таъминлашга мўлжалланган кўп маблағлар иқтисодиётнинг ўсишига иштирок этмасдан коррупционерлар қўлига ўтиб кетади.

Иккинчидан, коррупционерлар ўртасида давлат бюджети маблағларининг самарасиз сарфланиши ҳам кузатилади. Коррупция туфайли давлат маблағлари самарасиз лойиҳаларга йўналтирилиши билан бирга маблағларнинг бир қисмини ўзлаштириб олишнинг бир қанча ноқонуний йўлларида фойдаланади. Натижада ишнинг самараси ва сифати кутилган даражада бермайди. Ушбу ҳолат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ҳам таназулга учрашига олиб келади.

Учинчидан, коррупциянинг адолатсизлиги туфайли аҳоли ижтимоий тенгсизликни кучайтиради. Бу ҳолат аҳоли орасида камбағалликнинг ортишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки маблағлар аҳоли ўртасида меҳнатига яраша тенг тақсимланмайди. Бир қисим аҳоли (коррупционерлар) тез бойиб кетса, бир гуруҳ оҳоли камбағаллик чегарасидан чиқиб қийинлашган ҳолда қолаверади.

Тўртинчидан, коррупция давлат бошқарувига бўлган ишончни пасайтиради. Бу эса жамият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бошқарувга муносиб мутахассислар эмас, балки “хўжайиннинг айтганини қиладиган” кишилар ўрнашиб олади. Буларнинг муҳим вазифаларидан бири, оборотдаги маблағларни ўзлаштириш билан шуғулланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳон амалиётида коррупцияни камайитириш бўйича самарали тажрибалар мавжуд. Шу туфайли коррупцияга қарши кураш жараёнида ушбу халқаро тажрибалардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай тажрибалардан бири Сингапур мамлакатдаги ҳолатга аҳамият берадиган бўлсак, бунда қатъий қонунчилик ва кучли назорат тизими орқали коррупция даражаси сезиларли даражада камайитирилган. Шунингдек, Финляндия ва Дания каби мамлакатларда давлат бошқарувининг юқори даражадаги шаффофлиги таъминланган. Бу эса, ҳуқуқий маданиятни ошириш эвазига коррупциянинг паст даражада бўлишига хизмат қилмоқда.

Мазкур масалага ўзимиздаги хусусиятларни инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда коррупцияга қарши сиёсатни амалга оширишда муҳим институт сифатида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолият юритмоқда. Ушбу ташкилот коррупцияга қарши манзилли кураш механизмини жорий қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш давлат ва жамият учун жуда муҳим ва аҳамиятли масала ҳисобланади. Коррупцияни камайитириш ёки бартараф этиш учун қуйидаги асосий йўللarda иш олиб бориш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

Биринчиан, қонунчилик базасини кучайтириш ва мустаҳкамлаш лозим бўлади. Бунинг учун коррупцияга қарши қатъий қонунлар қабул қилиш. Бунда коррупцион жиноят учун жавобгарликни кучайтириш ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса давлат хизматчилари учун аниқ ҳуқуқий чекловлар белгилаш лозим бўлади..

Иккинчидан, давлат бошқарувида шаффофликни таъминлаш лозимдир. Бунинг учун давлат органлари фаолиятини очиқлигини кучайтириш, Давлат хизматларини рақамлаштириб, электрон давлат хизматлари орқали инсон омилини камайитириш лозим. Ушбу йўл билан пора бериш эҳтимоли анча пасаяди.

Учинчидан, давлат харидларини очиқ ўтказишни таъминлаш. Бунинг учун тендер ва давлат харидларини электрон платформалар орқали шаффоф

ташқил қилиш. Бунинг учун давлат харидлари ва тендерларни очик электрон тизимлар орқали ўтказишга тўлиқ киришиш лозим бўлади. Бунда бюджет маблағларининг сарфланишини жамоатчиликка эълон қилишни ташқил қилиш ҳам коррупциянинг олдини олиш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Тўртинчидан, соҳани рақамлаштириш (цифровизация) масаласига ҳам эътиборни қаратиш. Бунда давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш орқали инсон омилини камайтириш йўли билан пора олиш имкониятларини қисқартиришга эришиш мумкин. Бунда онлайн назорат тизимларини жорий қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан, жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали фуқаролик жамияти, ОАВ ва блогерларнинг коррупция ҳолатларини фош қилишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Жамоатчилик назорати бевосита оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти назоратини кучайтириш, фуқароларнинг коррупция ҳақида хабар беришини рағбатлантириш орқали ушбу соҳанинг таъсири кучаяди. Жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари коррупцияга қарши курашда муҳим роль ўйнайди. Шу йўл билан нодавлат ташкилотлар иштирокини кенгайтиришга ҳам эришилади.

Олтинчидан, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишни ҳам йўлга қўйиш лозим бўлади. Шу йўл билан мансабдор шахслар ўз даромадлари ва мол-мулкни ошқора эълон қилишга мажбур бўлади. Мансабдор шахслар мол-мулки ва даромадларини декларация қилиш орқали ноқонуний бойлик ортишини текшириш механизмининг жорий этилади. Шу йўл билан ҳам мансабдор шахсларнинг даромадларини ошқор қилиш натижасида маълум даражада коррупциянинг олди олинади..

Еттинчидан, коррупцияга қарши таълим ва тарбияни кучайтириш лозим бўлади. Бунинг учун мактаб ва олий ўқув юртларида ҳалоллик ва адолат тамойиллари сингдирилган, бутунлай янги йўналишни қамраб оладиган “Тарбия” фанини жорий қилишни лозим, деб ҳисоблаймиз. Ёшлар орасида ҳалоллик ва адолатга амал қилинадиган қадриятларини шакллантириш учун уларни ўргатишда ахлоқий ва маънавий тарбияга ҳам алоҳида аҳамият беришни тақозо қилади. Таълим тизимида коррупцияга қарши маданиятни тарғиб қилиш масаласи устувор вазифалардан бири бўлиши керак..

Саккизинчидан, тегишли ташкилотлар томонидан коррупция хавфини таҳлил қилиш ҳам бугунги кунда аҳамиятли тадбирлардан бири ҳисобланади. Давлат идораларида коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларни аниқлаб, профилактика чораларини кўриш ҳам ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Мамлакатимизда ушбу тадбирни амалга оширишга қаатилган махсус ташкилотлар фаолият кўрсамокда. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш билан шуғулланадиган махсус орган Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга

қарши курашиш агентлиги фаолият юритади. Бу ташкилот коррупция ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланади. Шу туфайли ушбу иллат камайиш тенденциясига эга бўлиб бормокда.

Тўққизинчидан, давлат хизматчилари учун этика қоидаларини жорий қилишни йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир шахсга хизмат одоби сингдирилиб, ҳалоллик стандартларини жорий этиш лозим бўлади. Ушбу йўналиш бўйича давлат хизматчиларининг масъулиятини ошириш орқали хизмат одоби ва ҳалоллик стандартларини жорий этиш лозим. Чунки этика қоидаларига амал қилиш мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширади. Бу албатта ҳар бир мансабдор шахснинг ўзини ўзи назорат қилиш иштиёқини туғдиради.

Ўнинчидан, мурожаатлар ва хабар бериш тизими ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиши лозим. Фуқаролар учун коррупция ҳақида хабар бера оладиган ишонч телефонлари ва порталлар яратиш лозим бўлади. Бу давлат бошқарувида шаффофликни таъминлаш имкониятини яратади. Натижада давлат органлари фаолиятининг очиқлиги таъминланиб, коррупция хавфини анча камайтиради.

Ўн биринчидан, мустақил текширув ва аудит назоратларини мунтазам амалга ошириб бориш ҳам мақсадга мувофиқдир. Давлат ташкилотларида молиявий ва хизмат текширувларини мунтазам ўтказиш билан шуғулланиб келинади. Бунда ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда назоратнинг янги шакллари ҳам ўйлаб топиш ва уни амалиётга жорий қилиш лозим. Шу йўл билан қуёна иқтисодиётнинг ҳам олди олинishi мумкин.

Ўн иккинчидан, давлат хизматларини рақамлаштириш ҳам коррупциянинг қисқаришига муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Коррупцияга қарши самарали курашиш комплекс чора-тадбирларни талаб қилади. Чунки электрон давлат хизматлари инсон омилини камаййтириш орқали коррупция имкониятларини қисқартиради. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий механизмларидан бири давлат хизматларини рақамлаштириш билан боғлиқлигини инобатга олиб, ушбу жараёни корхона ва ташкилотларда кенгайтириш лозимдир.

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг 89-мақсадида “Коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш”² масаласи қўйилган. Бунга эришиш учун коррупцион омилларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш, коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли чораларни кучайтириш масаласи ҳам стувор вазифалардан ҳисобланади. Буларга баҳо бериш учун коррупцияга қарши

² <https://2023.strategy.uz/>.

курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини такомиллаштириш масаласи ҳам қўйилган.

Аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида коррупцияга нисбатан мутлақо мурасизлик маданиятини шакллантириш, коррупциядан холи жамият йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирларни кенг оммага етказиш борасида самарали тарғибот ишларини ташкил қилиш мақсадида республика миқёсида мактаб таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш ҳафталикларини ташкил этиш белгиланган. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича барча олий таълим муассасаларида талабалар иштирокида тадбирлар ташкил этиш ҳамда республика олий таълим муассасаларида Аксилкоррупция коворкинг марказлари фаолиятини йўлга қўйиш тадбирлари кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашиш давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланиши учун муҳим шарт ҳисобланади. Бу борада қонунчиликни такомиллаштириш, давлат бошқарувида шаффофликни таъминлаш, рақамлаштиришни кенгайтириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, жамиятда ҳалоллик ва адолат қадриятларини шакллантириш коррупцияга қарши курашнинг энг самарали йўлларида бири ҳисобланади. Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш фақат жазо билан эмас, балки қонунчилик, шаффофлик, рақамлаштириш, жамоатчилик назорати ва маънавий тарбияни биргаликда қўллаш орқали самарали амалга оширишга эътибор қаратилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилинган. Бу Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 3 январда имзоланган ЎРҚ-419-сонли Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелда қабул қилинган “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-472-сонли Қонун (Қонун 2018 йил 10 июлдан кучга кирган).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси.// “Zarafshon” газетаси. 25 йил 27 декабрь. – 147-148 сон.
5. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари. – Т.: Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи” 2022. – 106 бет.